

Ишонч

Кўзинг — ўзингники, қулоғинг — ўзганики.

Ўзбек халқ мақоли.

— ...Одамбой ака, келинг... Эрталабки “беш минутликда” айтилганидай: бугундан бошлаб шу икки қизга бошлиқсиз. Ҳозирча... Тез орада дугоналарининг таътили тугаса, булар ҳам кўпайишиб қолади. Танишинглар: бу Найзагул, буниси Лобар. Мана шу лойсувоқ деворни ҳу охиригача оқлашларинг керак. Нозик меҳмонлар келадиган. Эртага кечгача улгуришимиз керак.

Кўшимча топшириқлар берган директор шошилиб жўнади. Ҳали оҳаклашни бошламасларидан Найзагул кетиш учун рухсат сўради.

— Болам реанимацияда. Бормасам, бўлмайди. Унинг ёнида бўлишим керак.

— Йўқ,— деди Одамбой пича ўйланиб тургач. Унинг овозида ачиниш, ҳокимлик қилиш ўрнига ажабланиш ҳисси ҳукмрон эди.— Ҳозиргина кетди-ку, нега директорнинг ўзидан сўрамадингиз: кетайми, кетмайми, деб? Тушунарди. Уям одам.

— У одам бўлганда, ўзим билардим. Илтимос, жавоб беринг.

Қараса, Найзагул кўз ёши қиладиган, Одамбой ноилоҳ қолиб бош ирғади. Иш чала қолди: кечгача деворнинг учдан бири ҳам оқармади.

Кеч кирди. Директор келди. Унинг кўзлари қизарган, қовоғи солиқ, боши эгик эди. У Одамбой билан оқланиши керак бўлган деворни кўриб тутаким кетди.

— Тушунмадим! Нима учун девор оқланмади, а?! А, нимага оқлатмадинг?!

— Найзагулнинг боласи...

— Боласи?

— Ҳа. Боласи реанимацияга тушиб қолган экан. Уни кўрмасам, бўлмайди, деганидан кейин...

— Унинг боласи бор эканми? А?

— Ҳа...

— Роса лақиллатибди-ку сизни! Ҳеч қанақа боласи йўқ у моччағарнинг. Фоҳишабозлик қилгани кетган. Мен гўл бўлмасам, келиб-келиб сизга ишонаманми? Ўринбосармиш тағин. Шунини қоровулимга буюриб кетганимдаям ярмини тугатган бўларди. Эҳ, мен аҳмоқ... Ўзи қўлингиздан бирон иш келадими? А? Ярим йил касалман деб ётдингиз, гинг демадим, ойлигингизни ойма-ой шақиллатиб санаб олдингиз, индамадик. Яна нима керак, инсон? Нонкўрлик қилмангда. Шундай ёнаётган пайтимда ёрдам бермасангиз, қачон ёрдамлашасиз?

Ярим соатлик ваъзхонлик, буйруқбозликдан сўнг директор:

— Эртага саҳарлаб меҳмонимизни кутиб олгани чиқишим керак. Хуллас, кечқурунгача деворимиз оппоқ бўлсин, шунда сизам оппоқсиз, менам.

Одамбой туни билан ухлолмай тўлғониб чиқди. Миясида айланаётган ўйлардан юраги санчирди.

“— Шунчалик соддаманми?! Устимдан кулиб алдаб кетишсаю сезмасам? Ҳеч кимга ишониб бўлмай қолди. Аёл ҳақ десам, эркакнинг гаплари ўринлига ўхшайди.”

Одамбой қоп-қоронғи хонада ўзини кўзгуга солган кўр одамга ўхшарди. У ўзининг қандайлигини, атрофидагиларнинг кимлигини билолмай қийналарди.

“Эртадан бошқа одамга айланаман.”

— Нега одамни алдадинг?

Одамбойнинг қизлар билан эрталабки “салом-алиги” шундай бошланди.

— Нима дебман?

— Боламини кўргани бораман дегандингиз. Болалингиз йўқ эканку?

— Нима? Директор шундай дегандир, хойнаҳой. Айтувдима одаммас у деб! Менинг болам йўқ эканми, ишонмасангиз, мана, кўринг.— У сумкачасидан оқ-қора фотосуратни олди.

Унда Найзагул ногирон болачани кучоклаб турарди.— Энди ишонгандирсиз? Ё қасам ичайми?

Найзагулнинг кўзлари жикқа ёшга тўлди. Одамбой қаққайиб қолди.

— Майли,— деди Одамбой зўрға ўзига келиб.— Кечгача оҳаклаб тугатинглар.

— Мен яна касалхонага боришим керак.

— Э, кизиқ экансизку, эрталабдан кетадиган экансиз, нега келдингиз ишга?

— Сизга ишониб келдим. Ўзингиз тушунадиган одамсизку: эрта-индин ойлик берадиган. Фоҳишалик қилолмасам. Пул топишнинг бошқача йўлини билмасам...

— Кечирингу сизга жавоб беролмайман. Мениям тушунинг: бировнинг дод-фарёдини мана бу еримга олаверсам,— Одамбой чап кўксини кўрсатди.— Ўзимникини қаерга сиғдираман? Агар ишдан кетсам, бу дипломим билан шаҳардан бошқа иш тополмайман. Мен ҳам яшашим керак. Ўзи директор билан ўртамизда ишқал бор. Шунинг учун деворни оқлаб бўлинглару кетаверинглар.

— Акажон, ўзингиз яхши одамсизку, тушунинг, ўғлимнинг аҳволи оғир.— Найзагул хўнграб йиғлаб юборди.— Илтимос, охирги илтимосим, мени химоянгизга олиб турунг, ишдан бўшатиб юбормасин. Дўхтирлар ўғлингизни беш кунлиги борми, йўқми, билмаймиз, дейишяпти. Нега ишонмайсизла-а-ар?

Лобар Найзагулни бағрига олди. Одамбойнинг ҳам кўнгли бузилди. У Найзагул кетаверсин деган маънода Лобарга ишора қилиб қоровулхонага кириб кетди.

Лобарнинг кечгача ишлаганидан деворнинг ярмигина оқланди. Одамбой Найзагулга рухсат бериб тўғри қилдим деб ўйлаганди, лекин директор келиб унинг ишончини шубҳага айлантирди.

— Шунга ишониб ўтирибсизми? Ўғлим бор деган ўша ёлғончининг тилини суғуриб олмадингизми? Бировнинг ҳаромзодасини кўрсатгандир: ўғлим деб. Бу ерда етти йилдан бери директорлик қиламан. Бунақа муттаҳам, фирибгарларнинг мингтасини синовдан ўтказганман. Менга ишонасизми, унгами? А? Менда ходимларимнинг ҳамма маълумотлари бор: ким уйланган, нечта фарзанди бор, нечта хотини, нечта ўйнаши — ҳамма-ҳаммасини биламан. Билмадим, нима қилсангиз, қилинг, эртага туш пайтигача девор оқлансин, оқланмаса, аризангизни ёзинг, уям ёзсин. Агар шундан кейин ҳам қилолмасангиз, қилдиrolмасангиз, ариза столимнинг устида бўлсин, бўлмаса, аяб ўтирмайман...

Одамбой алдагани учун Найзагулни ишдан бўшатишга қарор қилди. Эрталаб иш жойига келиб девор оқлаётган Лобарнинг ўзини кўрди.

— Найзагул ҳозиргина кетди.— деди Лобар.— Аравачада ўғилчасини опкелганди.

Ширингина кулиб ўтирган болакай бирданига ҳушидан кетиб типирчилаб қолди.

Югурганича яна касалхонага кетди.

“— Биз ҳаммамиз шунақамиз. Бир ишни қилаётганимизда виждонни, бурчни унутамиз, қилаётган ишимиз тўғридай туюлади. Лекин виждонимиз уйғонганда, бурч, эътиқод тушунчалари эсимизга тушганда, ўзимиздан уяламиз, хатомизни тан оламиз.”

Одамбойнинг ҳозирги аҳволи шундай эди. Лобарнинг гапини эшитиб Найзагулнинг кетганини тўғри деб ўйлади. Лекин кўзи билан кўрмагани учун ва вазифасини — директорни эслаб фикридан қайтди.

Директор кечки пайт Одамбойнинг ишдан бўшаш ҳақидаги аризасини кўлига олди.

Ўзбектош ҚИЛИЧБЕК